

# ШАРТНОМА № 1

Урганч туман.

04.02.2022 йил

«URGENCH FOOD CENTER» маъсулияти чекланган жамияти

(юк юкловчи идора, корхона, муассаса, ташкилот номи)

Бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан Рахбари: Р.К.Абдалазизов

(мансаби, Ф.И.О.)

Фаолиятини амалга оширувчи бир томондан Б - СОМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ  
(Корхона, муассаса, ташкилот номи)

Бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан асосан фаолият курсатувчи, иккинчи томондан,  
Х. Абдулхамидов куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувида) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулотнинг номи	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Суммаси	ККС сиз	Умумий сумма
1	Пахта ёғи	кг	200	16000	3200000		3200000
2	Шакар	кг	350	8700	3045000		3045000
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
11							
12							
13							
14							
15							
	<b>Жами:</b>				<b>6245000</b>		<b>6245000</b>

## 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати .( Олти миллион Икки юз қирк беш минг ) сумни ташкил қилади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 % фоизини олдиндан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 % фоизи маҳсулот тулик етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

(тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати:

04.02.2022 й

31,12,2022 гача

ўз кучида қолади.

## 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандлари тулик риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди вакечиктирилган хар бир кун учун 0,5% миқдорда пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан олиб кетмаслиги керак.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»га махсулотни уз вақтида етказиб берилмаган хар куни учун махсулот баҳосидан 0,5 фоиз пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,5 миқдорда пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,5% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни маблағ миқдоридан 0,5 фоиз пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан

кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарарни ва 0,5 миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### 8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

### 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

### 11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594- сонли қарорига асосан Газначилиқда руйхатга олингандан кейин қонуний кучга киради.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: \_\_\_\_\_

11.3. Шартномага илова: \_\_\_\_\_

### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

URGENCH FOOD CENTER МЧЖ
Урганч туман Чаккашоликкор кишлоғи
Хр 20208000905185275001
ИНН307172034
МФО 00401
Банк АТ Алока банк Хоразм филиали
ОКЭД 46390

Урганч шаҳар 6-сон мактаб интернати
Ўзбекистон овози кучаси
Шхр: 10021860334017093300075021
газна х/р 23402000300100001010
Инн 200977804 ОКОНХ: 92310
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
Молия Вақирлиги Ягона Газна ҳисобварағи
МФО: 06014 - ИНН: 201122919



Р.К. Абдалазизов

Шартнома буйича муносабатлар шартнома шартлари, тамонларнинг жавобгарлик меъёрлари ва низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий

базаси туғрисида» қонун талабларга жавоб беради.

Хуқуқшунос

ИМЗО.Ф.И.О



М.У.